

СИЁСАТ – МАДАНИЯТ, ҲОДИСА ВА ФАН СИФАТИДА

Ҳаким Расулов

Термиз давлат педагогика институти кафедра мудири,
сиёсий фанлар номзоди, доцент

АННОТАЦИЯ

Мақолада сиёсат тушунчасига маданият ва фан сифатида сиёсатишунослик фани нуқтаи назаридан таҳлил қилишга эътибор берилган. Жумладан, сиёсатнинг ижтимоий-маданий жиҳатлари, биринчи навбатда, маданият ва сиёсатнинг ўзаро таъсири жараёнида намоён бўлиши ҳамда унинг натижасида улар орасида ўзаро яқинлашишнинг юз бериши, шунингдек, маданиятнинг сиёсийлашуви ва сиёсатнинг жамият маданий тафаккурида акс этиши жараёни таҳлил объекти сифатида қаралган. Шу билан биргаликда маданиятнинг сиёсий моҳиятига фуқароларнинг давлат ва жамият бошқаруви тизимида, сиёсий муносабат ва жараёнларда иштирок этиши даражаси ҳамда уни бошқаришнинг шакл ва усуллари ишлаб чиқиши, амалий фаолиятда қўллай олиши даражаси билан боғлиқ ҳолда эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: сиёсат, маданият, фан, ижтимоий-сиёсий институтлар, давлат бошқаруви, халқаро муносабатлар, сиёсий фаолият, сиёсий-ҳуқуқий тизим, сиёсий-ҳуқуқий маданият, сиёсий ва маданий қадриятлар.

POLITICS AS CULTURE, PHENOMENON AND SCIENCE

ABSTRACT

The article focuses on the analysis of the concept of politics from the perspective of political science as a culture and science. In particular, socio-cultural aspects of politics, first of all, manifestation in the process of interaction between culture and politics and as a result of this, the occurrence of mutual rapprochement between them, as well as the process of politicization of culture and the process of reflection of politics in the cultural thinking of the society were considered as the object of analysis. At the same time, attention is paid to the political essence of culture in connection with the degree of participation of citizens in the system of state and community management, political attitudes and processes, as well as the level of development of forms and methods of its management, and the level of their ability to apply it in practical activities.

Keywords: politics, culture, science, social and political institutions, public administration, international relations, political activity, political and legal system, political and legal culture, political and cultural values.

ПОЛИТИКА КАК КУЛЬТУРА, ЯВЛЕНИЕ И НАУКА

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена анализу понятия политики с позиции политологии как культуры и науки. В частности, социокультурные аспекты политики, прежде всего, проявление в процессе взаимодействия культуры и политики и, как следствие этого, возникновение взаимного сближения между ними, а также процесс политизации культуры и в качестве объекта анализа рассматривались процессы отражения политики в культурном мышлении общества. При этом внимание уделяется политической сущности культуры в связи со степенью участия граждан в системе государственного и общественного управления, политическими установками и процессами, а также уровнем развития форм и методов ее управления, а также уровень их способности применять его в практической деятельности.

Ключевые слова: политика, культура, наука, общественно-политические институты, государственное управление, международные отношения, политическая деятельность, политико-правовая система, политико-правовая культура, политико-культурные ценности.

КИРИШ (ВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Сиёсат давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари, мансабдор шахслар, жамоат институтлари мақсад ва манфаатларини амалга оширадиган инсон фаолияти соҳаси сифатида сиёсатшунослик фани доирасида ўрганилади. Илмий манбаларда жамиятнинг алоҳида соҳаси сифатида давлатни бошқариш санъати деб таърифланади. Шунингдек, сиёсат турли ижтимоий-сиёсий институтлар, ижтимоий қатламлар, табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни ҳам ифода этади. Сиёсатнинг ижтимоий моҳияти давлат ҳокимиятини бошқаришда намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД

Сиёсий тадқиқотларнинг ривожланиши жараёнида сиёсатнинг турли хил таърифлари таклиф қилинган: “Барча фуқароларни ҳимоя қилинг ва иложи бўлса, уларни энг ёмонидан энг яхшиси қилинг” (Плотон), тўғри ва доно ҳукумат ҳақидаги билим (Макиавелли), давлат аппарати раҳбарияти ёки бу раҳбарликка таъсири (Макс Вебер), синфий манфаатлар кураши (Карл Маркс)¹.

¹ Мировая политика: Теория, методология, прикладной анализ / Под ред. А. А. Кокошина и А. Д. Богатурова. – М.: КомКнига / URSS, 2005. – 432с. – [ISBN 5-484-00087-4](https://www.isbn-international.org/view/title/1000874).

Қадимги Юнонистонда сиёсатга жамият ва шаҳар-давлат (полис)ни бошқариш тўғрисидаги фан (Платон ва Аристотель) сифатида қаралган бўлса, ҳозирги вақтда сиёсат деганда давлатни бошқаришнинг вазифа ва мақсадлари ҳамда уни амалга ошириш учун зарур бўладиган ижтимоий-сиёсий институтларнинг амалий фаолияти тушунилади. Амалий сиёсат фуқароларнинг сайловчи, депутат ва вазир ҳамда давлат бошқарувининг турли соҳаларидаги фаол иштирокини англатади.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

Жамият тараққиёти ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусияти маданий ва сиёсий жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликда намоён бўлмоқда. Маданий тараққиёт жараёнида шаклланган дунё ҳақидаги турли ғоялар, қадриятлар, ҳуқ-атвор намуналари жамият сиёсий маданиятида ўз аксини топиб бораверади. Давлат бошқарув ва халқаро муносабатлар тизимида маданият ва сиёсатни ажралмас ҳодисалар сифатида тарихан шаклланиб келмоқда. Цивилизация ва давлатчилик шаклланиши жараёнида турли шакллардаги сиёсий қарама-қаршилик доимо маданиятда ўз аксини топган. Шу билан бирга, сиёсатнинг намоён бўлишида маданиятнинг шахсий, сиёсий ёки ижтимоий мавқеи муҳим аҳамият касб этган. Шундай қилиб, сиёсий жараёнларга юксак маданият нуқтаи назаридан қараш уларни яхшироқ тушуниш, баҳолаш ва натижада содир бўлаётган воқеалар ҳақида ўз хулосаларини чиқариш имконини беради.

Сиёсатнинг ижтимоий-маданий жиҳатлари, биринчи навбатда, маданият ва сиёсатнинг ўзаро таъсири жараёнида намоён бўлади, бунинг натижасида уларнинг ўзаро яқинлашиши - маданиятнинг сиёсийлашуви ва сиёсатнинг жамият маданий тафаккурида акс этишида юз беради.

Маданият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий омилларнинг бутун мажмуаси натижасидир. Сиёсат нафақат жамиятдаги кучларнинг мувозанатини, сиёсий жараёнларни, балки тарихан шаклланган маданиятларни ҳам қамраб олади. Шу маънода сиёсат маданиятнинг бир қисмидир, чунки сиёсий фаолиятда маълум қадриятлар ва муайян хатти-ҳаракатлар намуналари намоён бўлади.

Илмий манбаларда маданият ва сиёсатнинг цивилизация даражасида ўзаро таъсирининг эволюцион ва инқилобий йўли мавжудлиги қайд этилади. Биринчи йўл цивилизация доирасидаги маданият ва сиёсатнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ. Бу ўз маданиятидаги табиий ўзгаришлар орқали содир бўлади ва давлат

сиёсий қобик сифатида у ёки бу тарзда уларга мослашади. Аммо иккинчи йўл, сиёсий ўзгаришлар маданий ўзгаришлардан олдин келганда, давлат сиёсий соҳа бўлиб, маданий ўзгаришларни бошлаганида ҳам юз бериши мумкин. Одатда бу ҳолатда ўзгариш учун асосий импульслар бошқа маданиятлардан (цивилизациялар) келиб чиқади. Моҳиятан, инқилобий йўл бошқа маданиятларга қарши тажовузорлик, умуминсоний маданиятни ривожлантириш мақсадида плюралистик ўзаро таъсирни рад этиш шаклидир².

Маданият тушунчасини сиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш ва уни таърифлаш жуда қийин. Маданият – бу миллий қадриятларни яратувчи, унинг ворисийлигини таъминловчи, бугунги глобал дунёда эса қадриятларни йўқотувчи омил сифатида ҳам намоён бўлаётган ҳодиса, қарашлар тизимидир. Сиёсат эса бу сиёсий жараён ва муносабатларда қадриятлардан фойдаланадиган, ҳокимиятни сақлаб қолиш ёки забт этиш, жамиятни ривожлантириш ёки унинг тараққиётини секинлаштириш учун фойдаланадиган институтларнинг мажмуасидир.

Дарҳақиқат, халқаро муносабатларда ҳам, давлат бошқаруви тизимида ҳам сиёсат ва маданиятнинг ўзаро таъсири муаммоси катта аҳамиятга эга. Ушбу икки тушунча ўртасидаги муносабатни ҳал қилишдан олдин, энг аввало, уларнинг таърифларига эътибор қаратиш муҳимдир. Яъни маданият инсон тараққиёти, унинг моддий ва номоддий бойликлари, ижтимоий ва маънавий тажрибаси ривожланишининг натижаси сифатида тушунилади. Сиёсат эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, биринчи навбатда, ижро этувчи ҳокимият органларининг қонунлар ва ижтимоий нормаларга мувофиқ фаолиятнинг муайян соҳалари бўйича ҳаракат қилишларини ифода этади.

Шунга қарамай, замонавий дунёда сиёсат ва маданият муносабати одамларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда уларнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солишдаги зиддиятли вазиятларни ҳам кўриш мумкин. Масалан, сайлов жараёнида ўзлари учун қўшимча овоз олиш мақсадида сиёсий партиялар таниқли ва обрўли маданият арбобларини сайловолди ташвиқотларида қатнашиш ёки номзодлар рўйхатига киритиш ёки санъаткорларни сиёсатда фаол қатнашишлари учун жалб қиладилар. Шу билан биргаликда, замонавий демократик жамиятда шахсий фикр тақиқланмаган ва қораланмаган. Лекин оддий халқ орасида ўз обрў-эътиборига эга инсонлар, айниқса, санъаткорлар сиёсатдан ташқарида бўлишни афзал кўради, бу ҳам ҳар бир кишининг шахсий

² Абрамова В.А. Культура и политика: точки соприкосновения. Общество: политика, экономика, право 2011, № 2. Стр. 42.

танловидир, шунинг учун маданият соҳаси мутахассисларидан аниқ сиёсий позицияни кутмаслик ёки албатта талаб қилиш керак эмас.

Замонавий сиёсатшуносликда сиёсий маданиятни изоҳлашда иккита асосий ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашувга кўра, сиёсатнинг субъектив мазмуни маънавий ҳодисалар ва белгиларнинг бутун мажмуасини (Г. Алмонд, С. Верба) англатади. Иккинчи ёндашувга кўра, аксарият тадқиқотчилар сиёсий маданиятни ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи хатти-ҳаракатларнинг тўплами, сиёсий фаолият услуги, сиёсатнинг ўзига хос субъектив нуқтаи назари деб билишади³. Америкалик социолог В.Розенбаум ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, сиёсий маданият ўзагининг таркибий қисмларини, яъни “миллатнинг сиёсий тартиби”нинг шаклланишида фундаментал роль ўйнайдиган маълум бир жамиятнинг сиёсий маданияти ҳақида керакли ғояни олишга имкон берадиган учта асосий йўналиш гуруҳини кўриб чиқади. Бу а) давлат тузилмаларига; б) бошқа сиёсий тизимларга; в) ўз сиёсий фаолиятига нисбатан йўналишларда намоён бўлади.

Бу ерда кўпинча ўз сиёсий мақсад ва вазифаларини бошқарадиган давлат ҳокимияти вакиллариининг фикрини маданиятнинг муайян йўналишлари ривожига кўрсатадиган таъсиридан фарқлаш керак. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, сиёсатчилар ижодкор шахсини танқид қилган ёки унинг ижодини цензура қилиш билан бирга одамларни ҳақиқий сиёсий жараённи англаш имкониятидан маҳрум қилиб ҳам қўйиши мумкин. Шунингдек, бундай шароитда фуқаролар учун ҳокимият ва жамият, ҳокимият ва мулк, дин ва ахлоқ, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, барчанинг қонун олдида тенглиги ва бошқалар каби қадриятлар ўртасидаги муносабатларни кузатиш қийин.

Фуқаролик жамиятида маданият ва сиёсат ўртасидаги муносабатларни кузатиш осон эмас, шунга қарамай, у мавжуд ва ҳаётнинг барча жабҳаларига катта таъсир кўрсатади, шунинг учун сиёсий жараёнларни маданий жиҳатлардан ажратиб кўриб чиқмаслик, балки бу жараён барча иштирокчилар томонидан эътиборга олинishi керак.

Маданиятнинг сиёсий моҳияти фуқароларнинг давлат ва жамият бошқаруви тизимида, сиёсий муносабат ва жараёнларда иштирок этиш даражаси ҳамда уни бошқаришнинг шакл ва усуллариини ишлаб чиқишни, амалий фаолиятда қўллаш олишни ифода этади.

Маданият – табиат, жамият тараққиёти, унга инсоннинг таъсири ҳамда шу асосда жамият илгарилаб ривожланиши даражасининг муҳим белгиси

³ Rozenbaum W. Political Culture. New York, 1975. P.6-7

ҳисобланадиган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. 1) Маданият вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларига эга бўлгани ижтимоий ҳодисадир; 2) маданият – ижтимоий-фалсафий категория бўлиб, жамият тараққиёти ва инсон ақлий фаолияти асосида таркиб топган билимларнинг назарий ва амалий натижалари тизимидир; 3) маданият – гносеологик моҳиятга эга бўлиб, инсоният маънавий-руҳий билимларини, яъни эмперик ва назарий билим тажрибаларини туғдирувчи асосдир; 4) маданият – бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган моддий ва маънавий бойликлар тизимидир.

Сиёсий маданият инсон маънавий камолотининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уни шакллантириш ва юксалтириш жуда мураккаб жараёндир. Чунки сиёсий маданият инсоннинг кундалик ҳаракатларидан тортиб давлат ва жамият сиёсий-ҳуқуқий муносабатларининг энг юқори даражасидаги иштироки билан боғлиқ бўлган узлуксиз жараёни қамраб олади. Яъни сиёсий маданият моҳияти ва амалда намоён бўлишига кўра, жамият тараққиётига бўлган онгли муносабатни англатади. Шу сабабдан ҳам сиёсий маданият жамиятни демократлаштириш, ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш билан боғлиқ объектив заруриятдир. Россиялик тадқиқотчи В.А.Зимин нуқтаи назарига кўра “фуқароларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги турли даражадаги иштирокида мужассамлашган, фаолиятга йўналтирилган сиёсий маданият сиёсат ҳақидаги оддий билимлар мажмуаси эмас, балки амалда қўлланиладиган тарихий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тажрибанинг натижаси, шунингдек, маълум бир жамиятнинг умумий маънавий-ахлоқий ривожланиши билан белгиланадиган анъаналарнинг аксидир. Иккинчиси сиёсий маданиятда алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларнинг сиёсатдаги ўзига хос ҳуқ-атвори учун мотивацион асос бўлиб хизмат қиладиган махсус тартибланган қадриятлар тизимида ўзини намоён қилади”⁴.

Демак, сиёсий маданият жамият сиёсий тизимидаги ўзгаришларни англаш қобилияти бўлиб, бу жараён давлат ва жамият муносабатларисиз, айниқса, унинг сиёсий ва ҳуқуқий тизимисиз амалга ошмайди. Сиёсий маданият жамият аъзоларининг барчасига тааллуқлидир. Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокисиз демократик ҳуқуқий давлатни ҳам, фуқаролик жамиятини ҳам қуриб бўлмаслиги бугунги кунда барчага маълум ҳақиқатга айланиб бормоқда. Зеро давлат сиёсатидан, уни бошқариш тизимлари

⁴ Зимин В.А.Формирование политико-культурного контекста постсоветской модернизации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора политических наук. Сартов-2013, Стр. 24

фаолиятидан, кундалик ижтимоий муносабатлардан хабардор бўлиш, амалдаги меъёрий ҳукуқий ҳужжатлар, қонунлар ва фармонлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳукуқий манбалар орқали фуқаролар, аввало, ҳукуқий маданиятини шунга мувофиқ сиёсий маданиятини ҳам шакллантириб боради.

Ижтимоий ҳаётнинг ислоҳ қилиниши ва янгилиниши демократик тараққиётнинг зарурий талаби сифатида узлуксиз характер касб этади. Шу маънода демократик жамиятнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи сиёсий маданият ҳисобланади. Фуқароларнинг демократик тараққиёт натижаларидан қанчалик баҳраманд бўлиши ҳам кўп жиҳатдан сиёсий маданияти даражаси билан боғлиқ жараёндир. Фақат билимли, сиёсий-ҳукуқий жиҳатдан маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Жамиятни эркинлаштириш ва унинг сиёсий маданият билан алоқадорлигининг назарий ва амалий асослари давлат ва жамият муносабатларига, шунингдек, жамоатчилик фикрининг даражасига боғлиқ. Ҳар қандай давлатнинг бошқа давлатларга ўхшаш томонлари, миллатнинг лисоний, диний ва бошқа яқинлик жиҳатлари қанчалик кўп бўлмасин, лекин ҳар бир жамиятдаги мавжуд сиёсий ва ҳукуқий тизимга боғлиқ ҳолда сиёсий маданият шаклланиб боради. Яъни мукаммал сиёсий ва ҳукуқий тизимсиз ўзига хос сиёсий-ҳукуқий маданиятни қарор топтириб бўлмайди. Биринчидан, ҳар бир жамият ўзига хос, турли даражадаги сиёсий ва ҳукуқий тизимга эга. Иккинчидан, жамият ҳар бир аъзосининг салоҳияти, тараққиётга нисбатан эркин тафаккури бор. Учинчидан, сиёсий маданият ҳар бир инсоннинг ватанига, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлар тизимидир.

Тадқиқотчи А.Жалилов сиёсий маданиятни умумий маданиятнинг муҳим ажралмас таркибий қисми сифатида таҳлил қилган. Унга кўра, сиёсий маданият “жамиятнинг сиёсий ривожланиши жараёнида фуқароларнинг тегишли сиёсий билим ва тажрибаларга эга бўлишида, сиёсий воқеаларга ўз муносабатларини билдиришлари ҳамда баҳо беришлари ва шу каби ҳолатларда намоён бўлади”⁵. Сиёсий маданиятнинг қарор топишидан кўзланган асосий мақсад жамиятни демократлаштириш ва бу жараёнда инсон имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир. Шунингдек, сиёсий маданиятнинг пировард мақсади инсон турмуш фаровонлигини, эркинлигини, сиёсий ва

⁵ Жалилов А.А. Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланиш жараёнлари. // сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент-2020. 14-бет.

хуқуқий тенглигини ҳамда кадр-қимматини янада оширишда намоён бўлади. Шу маънода сиёсий маданият жамият ҳаётида иштирок этиши ҳамда уни бошқаришдаги сиёсий ва ҳуқуқий мақомининг асосий омилидир. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, фуқароларнинг жамият сиёсий ҳаётида иштирок этишида тенг имкониятларнинг таъминланишига боғлиқ жараёндир. Шахснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокида, унинг муайян воқеликка муносабати белгиловчи аҳамият касб этади.

Янгиланаётган Ўзбекистон бошқарув тизимида “инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ҳаётий тамойиллар, ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш каби улуғбор ғоялар амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор жиҳати ҳисобланади. Бундай жамият эса қонун устуворлигига таянади. Ўз навбатида, қонун устуворлигини қарор топтирмасдан демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини амалга оширишнинг назарий асослари эса фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси билан белгиланади. Фуқаролик жамияти шароитида ҳуқуқий маданият жамоатчиликнинг амалдаги қонунларга амал қилишга қанчалик тайёр эканлиги билан ўлчанадиган бўлса, сиёсий маданият эса мавжуд қонунлар, белгиланган тартиб қоидалар асосида ижтимоий ҳаётда фуқароларнинг фаол иштирок этиши, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва муносабатларга нисбатан фаол бўлишни англатади⁶.

Жамиятда сиёсий маданиятнинг реал воқеликка айланиши фуқароларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокининг тўла амалга ошганлигини, чинакам демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла қафолатланишини ҳамда амалда намоён бўлишини англатади. Яъни давлат ва жамият бошқарув тизимининг ҳуқуқий жиҳатдан дунё бошқарув анъаналарига мослашиши сиёсий маданиятнинг амалда намоён бўлишида асосий омилдир.

Ўзбекистон сиёсий ҳаётини эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари фуқаролар сиёсий маданиятини доимий юксалтириб боришини тақозо этмоқда. Фуқароларнинг юксак сиёсий маданияти орқали жамият сиёсий жараёнларидаги ислохот ва янгиланишларни юксалтириш, такомиллаштириб бориш мумкин.

⁶ Расулов Ҳ.М. Сиёсий муносабатларда сиёсий маданият. 864-бет. Volume 3 | NUU Conference 2 | 2022. indexed Current Issues of Social Sciences and Humanities <https://cyberleninka.ru/article/n/siyosiy-munosabatlarda-siyosiy-madaniyat>

Хар қандай давлат, айниқса, демократик тараққиёт тенденцияларини ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётига тадбиқ этаётган мамлакатларда барча соҳаларда ислохотлар амалга оширилиши талаб этилади. Яъни давлат сиёсий-ҳуқуқий тизимини замон ва жамият талабларига мос демократик қадриятлар асосида яратишга эътибор қаратиши керак. Демократик тараққиётнинг талаблари Ўзбекистон давлат бошқарув тизимида ҳам устувор аҳамият касб эта бошлади. Мамлакатимизда дунёвий, демократик жамият қуришга асосий эътибор қаратилиб, сиёсий-ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш, бошқарув тизимини либераллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Жамиятни демократлаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, соф Ғарбга хос демократик жамият тенденцияларини айнан қабул қилмасдан, балки миллий-тарихий бошқарув анаъаналари ва хусусиятларини ўзида акс эттирган ва шу билан бирга демократиянинг умуминсоний принциплари устуворлиги тамойилига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда халқ манфаатларига мос ижтимоий-сиёсий муносабатлар қарор топди. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик ва хавфсизлик таъминланди. Давлат бошқарувининг сиёсий ва ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, мамлакатимиз ҳаётида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида жамият сиёсий-ҳуқуқий тизимида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Умуман сиёсат доимо ўзгариб, ривожланиб боради. Жамият сиёсий тизими халқнинг сиёсий яхлитлиги, давлат бошқарувининг легитимлиги ва унинг барқарор ривожланишига боғлиқ. Ўз навбатида жамият барқарорлиги давлат ҳокимият тизимларини тартибга солувчи сиёсий тизимга ва аҳолининг сиёсий маданиятига асосланади. Сиёсий маданиятнинг юксалиши жамиятда демократиянинг қарор топишида муҳим омил ҳисобланади. Бунинг учун эса жамият аъзоларининг сиёсатдаги фаол иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Сиёсатга аралашиб ҳар бир фуқарони сиёсатчига айлантириш дегани эмас, аксинча давлат ва жамият ҳаётига сиёсий дахлдорлик деганидир. Бу жамиятнинг ҳар бир аъзосига ўз сиёсий ҳуқуқларини англаш, ватанпарварлик ҳис туйғуларини намоён қилиш, давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини кўрсатиш имконини бериш демакдир.

Жамият тараққиёти ва унда амал қиладиган демократик муносабатларга монанд “сиёсий маданият” тушунчасининг ижтимоий моҳияти такомиллашиб боради. “Сиёсий маданият” тушунчасини биринчи марта немис файласуфи

И.Гердер “Инсоният тарихи фалсафаси учун ғоялар” асарида қўллаган⁷. Г. Алмонд ва С. Верба эса сиёсий маданиятнинг биринчи мустақил назарияси асосчилари ҳисобланади. Улар сиёсий маданиятни сиёсий муносабатлар ва жараёнлар асосида турган сиёсий тизим субъектларининг индивидуал позициялари ва йўналишлари йиғиндиси деб таърифлаганлар⁸. Ушбу тадқиқотчилар “Фуқаролик маданияти” номли асарида сиёсий маданиятнинг ҳозирги замон концепциясини илгари сурганлар. Унга кўра, сиёсий маданият “сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданияти, шунингдек, сиёсий институтлар характерининг, фаолият тартибининг ва жамият сиёсий ҳаёти барча жабҳаларининг цивилизациялашганлик даражаси”⁹ сифатида талқин қилинган. Шу тариқа сиёсий маданият тушунчаси ижтимоий ҳодиса сифатида сиёсий жараён ва муносабатларда кенг қўлланила бошланган. Бизнингча, сиёсий маданият сиёсий муносабатлар жараёнида аҳоли сиёсий тажрибасининг шаклланиши ва сиёсий онгининг юксалишида намоён бўлиб, унинг сиёсий жараёнлардаги ҳуқ-атвор, хатти-ҳаракат ҳамда фаолиятини акс эттирадиган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир.

Тадқиқотчи Л.Э.Турсуновга кўра “сиёсий маданият, сиёсий тажрибани шакллантириш, сақлаш ва етказиш тизими бўлиб, жамиятнинг ривожланиши, сақланиши ва ривожланишини таъминлайдиган кадриятлар ва нормалар тўплами вазифасини бажаради. Ҳар қандай маданият ўз ташувчиларининг онги ва хатти-ҳаракатларида амалга оширилганлиги сабабли сиёсий маданият тегишли сиёсий онг ва ижтимоий гуруҳлар, шахсларнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади¹⁰”,

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)

Дарҳақиқат, сиёсий маданият турли идеаллар, кадриятлар, зарур билим ва кўникмалар, сиёсий ҳис-туйғулар мажмуидир. Сиёсий маданият инсоннинг манфаатлари, хоҳиш истаклари атрофида мужассамлашади ва шахсий тажрибалар негизида мустаҳкамланиб боради. Умумэътироф этилган сиёсий маданий кадриятлар, ҳуқ-атвор андозалари, анъаналар фуқароларни ягона

⁷ Абрамов Ю.И., Морозова О.С., Семенов А.В. Политическая культура избирателей Рязанской области. Рязань, 2013. Стр. 5

⁸ Алмонд Г.А. Гражданская культура. Политические установки и демократии пяти наций. // Антология мировой политической мысли. В 5 томах. Том II. Зарубежная политическая мысль. XX век. / Под ред. Г.Ю. Семигина. – М.: Мысль, 1997, стр. 595

⁹ Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. Т.: “Ўқитувчи”-2008. 324-бет.

¹⁰ Турсунов Л.Э. Ёшларда ҳуқукий ва сиёсий маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. //

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Самарканд-2020. 12-бет.

сиёсий тизим атрофида бирлаштиради. Жамиятлар ана шу жиҳатдан ҳам бири-биридан фарқланади.

Фуқароларнинг сиёсий маданияти мамлакат сиёсий тизимида сиёсий муносабатлар ва сиёсий жараёнлар қарор топган жамиятларда ривож топади. Ўз навбатида, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиш имконияти қанчалик кенг бўлса, жамият ҳаётида ҳам туб сиёсий ўзгаришлар юз бериш имконияти туғилади. Бундай жамиятда турли сиёсий кучлар мамлакат бирлиги, жамиятнинг барқарор ривожланиши йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилади. Мамлакат сиёсий модернизация ва сиёсий тизимни такомиллаштириш орқали жамият ижтимоий-иқтисодий ривожда муваффақиятларга эришиши мумкин.

Сиёсат ва маданиятнинг жамият тараққиётини қарор топтириш жараёнида ўзаро таъсири турли шаклларда бўлади. Инсоният ҳаётидаги ғоявий қарама-қаршиликларнинг ривожланиши, жамият ҳаётида синфий ёндашувнинг мутлақлашуви сабаб умумэтироф этилган сиёсий, ҳуқуқий, маданий тамойиллар, яъни ҳамманинг қонун олдида тенглиги, шахснинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари каби меъёрлардан анчайин бегоналашуви юз берган эди. Бу эса сиёсатга маданият ва фан сифатида қараш имконини бермасди. Тараққиётнинг ҳозирги босқичи сиёсат ва маданият ўртасидаги ўзаро таъсир муаммоларини янгича кўринишда – алоқанинг мисли кўрилмаган интенсивлиги, ўзаро таъсирнинг кучайиши, илм-фан, маданият, ахборот алмашинуви, умуминсоний қадриятлар билан ўзаро бойитиб бориш каби талабларни қўймоқда. Мамлакат тараққиётини янада ривожлантириш учун эса жамиятда миллий бирлик, миллий тотувлик, миллий менталитет, миллий қадриятларни ўзида ифода қиладиган сиёсий маданият шаклланиши лозим.

REFERENCES

1. Мировая политика: Теория, методология, прикладной анализ / Под ред. А. А. Кокошина и А. Д. Богатурова. – М.: КомКнига / URSS, 2005. – 432с. – ISBN 5-484-00087-4.
2. Абрамова В.А. Культура и политика: точки соприкосновения. Общество: политика, экономика, право 2011, № 2. Стр. 42.
3. Rozenbaum W. Political Culture. New York, 1975. P.6-7
4. Зимин В.А. Формирование политико-культурного контекста постсоветской модернизации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора политических наук. Сартов-2013, Стр. 24

5. Жалилов А.А. Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятининг ривожланиш жараёнлари. // сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Тошкент-2020. 14-бет.
6. Расулов Ҳ.М. Сиёсий муносабатларда сиёсий маданият. 864-бет. Volume 3 | NUU Conference 2 | 2022. indexed Current Issues of Social Sciences and Humanities <https://cyberleninka.ru/article/n/siyosiy-munosabatlarda-siyosiy-madaniyat>
7. Абрамов Ю.И., Морозова О.С., Семенов А.В. Политическая культура избирателей Рязанской области. Рязань, 2013. Стр. 5
8. Алмонд Г.А. Гражданская культура. Политические установки и демократии пяти наций. // Антология мировой политической мысли. В 5 томах. Том II. Зарубежная политическая мысль. XX век. / Под ред. Г.Ю. Семигина. – М.: Мысль, 1997, стр. 595
9. Одилқориев Х.Т, Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. Т.: “Ўқитувчи”-2008. 324-бет.
10. Турсунов Л.Э. Ёшларда ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. // фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарканд-2020. 12-бет.